

Тазкия дарслари (35-дарс). Кундалик вазифалар



13:40 / 01.06.2019 7441

Тариқатдаги кишининг кундалик вазифалари аниқ бўлади. Бунда у аввало кундалик фарз ва вожиб амалларга алоҳида эътибор беради. Ўзининг бурчи бўлган бу амалларни ихлос билан, бекаму кўст адо этади. Шу билан бирга, мандуб бўлган нафл ибодат, амал ва зикрлардан ўз ҳолига қараб бажариб туради.

Ҳар бир мусулмон учун бу каби нафл ишларнинг энг оз чегарасининг ўлчови бўлиши керак. Қолгани эса шахсга қараб белгиланади. Агар ўзида рағбат ва имконият сезса, мазкур амалларни кўпайтириб боради. Баъзи бир сабабларга кўра ўша амалларни ўз вақтида бажара олмай қолса, кейин адо қилиб боради.

Бу каби кундалик вазифаларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам қилиб юрганлар ва умматларига ҳам шундай қилишни ўргатганлар. Бу борада ривоятлар жуда кўп. Биз фақат биргина мисол билан кифояланамиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир кунда юз марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, юҳйи ва юмийту ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр» деса, бу унинг учун ўнта қулни озод қилишга баробар бўлади, унга юзта ҳасана битилади ва ундан юзта ёмонлик ўчирилади. Бу унга ўша куни шайтондан сақланиш бўлади. Ўша ҳол кеч киргунча давом этади. Биров ундан кўра афзал нарса қила олмайди. Илло, ким ўшандан кўпроқ қилган бўлсагина, кўпроқ савоб бўлиши мумкин», дедилар.

Яна шу санад билан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир кунда юз марта «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деса, унинг хатолари ҳатто денгиз кўпикларича бўлса ҳам, ўчирилади», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда алоҳида сўзлар ва жумлаларни маълум ададда зикр қилиш ҳақида сўз бормоқда. Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган иборалар ила санаб зикр қилиш катта савобга, гуноҳларнинг кечирилишига ва бошқа фойдаларга эриштиради. Бу ишларни қилган одам суннатга мувофиқ ишни қилган бўлади.

Муриднинг бошқа вазифалари ҳам айнан суннатга мувофиқ бўлиши лозим. Бу вазифаларни «вирдлар» ҳам дейилади. Иккисининг ҳам маъноси бир.

Одатда кундалик вазифаларнинг энг оз чегарасидагиларини танлашда ҳар бир тариқат машойихлари ўзларининг илм ва эҳсос доираларидан келиб чиқиб, турлича ижтиҳод қилганлар. Биз бошқа тариқатлар ёки уларнинг вирд танлашдаги фарқлари ҳақида гапириб ўтирмай, Нақшбандия тариқати машойихлари ихтиёр қилган кундалик вазифалар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Нақшбандия тариқатидаги мурид зикрни бошлашдан олдин тавба қилади. Таҳорат қилиб, қазо намоз ёки шукри вузуъ намозини адо этади. Яна тавба

қилиб, бутун вужуди ила диққатини жамлаб, зикрга ҳозирланади.

Юз марта «Астағфируллоҳал Алиййал Азийм аллазий лаа илааҳа иллаа ҳува ва атубу илайҳи»ни айтади.

Юз марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни айтади.

Юз марта «Аллоҳумма солли алаа»ни охиригача ўқийди.

Юз марта Ихлос сурасини ўқийди.

Мурид имкони борича кўпроқ лафзи жалолани – «Аллоҳ» лафзини ихлос билан такрорлаб юради.

Одатда мазкур зикрлар бомдод намозидан кейин, қуёш чиққунча қилинади.

Шунингдек, бомдод намозидан кейин Ёсин сурасини қироат қилиш ҳам кундалик вирдлар ичида бор.

Қуёш чиққандан кейин икки ракъат ишроқ намози ўқилади.

Чошгоҳ вақти кирганда эса зуҳо – чошгоҳ намози ўқилади.

Пешин намозидан кейин Мулк – «Таборақ» сураси қироат қилинади.

Аср намозидан кейин «Амма» сураси қироат қилинади.

Шом намозидан кейин икки ракъат аввобийн намози ўқилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида бу намоз айнан шундай ном ила зикр қилинган. Ўзига «тариқат шайхи» нисбатини берадиган баъзи бир мухтарамлар бу намозни нима учун «Тухфаи Расул» деб номлаб олганларининг сабабини била олмадик.

Ётишдан олдин ҳам тўрт ракъат намоз ўқиб ётилади. Кечаси эса суннатга мувофиқ таҳажжуд намози адо этилади.

Шунингдек, Нақшбандия тариқатида нафл рўзаларга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Ражаб ойида энг ози уч кун нафл рўза тутилади.

Шаъбон ойида ўн беш кун рўза тутилади.

Шаввол ойида олти кун рўза тутилади.

Зулҳижжа ойида тўққиз кун рўза тутилади.

Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўза тутилади.

Ҳар ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари ҳам рўза тутилади.

Ҳар ойнинг ўн уч, ўн тўрт ва ўн бешинчи кунлари рўза тутилади.

Мазкур вирдлар бир шайхдан бошқасида биров фарқ қилиши мумкин.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Суннати мутоҳҳарада келган ва турли муносабатлар ила қилинадиган зикрларни яхшилаб ўрганиб, ўз ўрнида адо этиб юриш лозим.

Мисол учун, фарз намозлар ортидан адо этиладиган зикрлар бор. Бу зикрларни адо этиш бизда қадимдан йўлга қўйилган. Ҳаттоки баъзи бир кишилар наздида намознинг бир қисмидек кўриниб қолган. Аслида эса улар намоздан ташқаридаги зикрлардир.

Аммо минг афсуслар бўлсинким, бундан бошқа зикрларни адо этиш ҳатто тариқат шайхи бўлган кишиларда ҳам кам мулоҳаза қилинади. Мисол учун, эрталаб ва кечқурун, бомдод ва шом намозларидан кейин ўқиладиган дуолар бор. Бугунги кунимизда уларни мунтазам ўқиб юрадиган одамни топиш қийин. Шунингдек, маркабга минганда ўқилиши керак дуо бор, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деярли ҳар доим ўқир эдилар. Аммо бизда бу нарса тарк этилган. Шунга ўхшаш, ҳар бир мақомда ва муносабатда ўқиладиган дуо ва зикрлар бор. Уларни ўз ўрнида адо этишни йўлга қўймоғимиз лозим.

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан